2008 йил, 13 октябрь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 200 (11.261) | Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

**КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ УЗЛУКСИЗ РИВОЖЛАНИШИ, БУЮРТМАЛАРНИНГ КЎПАЙИБ БОРИШИ, АЛБАТТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ШУНИНГ БАРОБАРИДА ҚЎШИМЧА ИШЧИ ЎРИНЛАРИ ҲАМ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.**



*Иқтисодиёт*

## ИШЧИ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛАДИ

«Тинос» масъулияти чекланган жамиятининг ҳам иш бошлаганига 3 йил бўлсада, йил сайин маҳсулот турлари кўпайиб, буюртмачилари сафи ортиб бораётганининг асосий боиси тадбиркорлик билан изланиш самарасидир. Шунинг билан бирга сифатга, замонавийликка қаратилган катта эътибор, маҳсулотлар дизайнининг юқори даражадалиги буюртмачиларни жалб этмоқда, харидорларни кўпайтирмоқда.

— Корхонамиз цехларининг бугунги кун талаблари даражасидаги дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозлангани, — дейди корхонанинг тижорат ишлари бўйича директори Татьяна Ситова, — сифатли маҳсулот тайёрлашда, буюртмачилар талабини қондиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, мебелсозларимизнинг маҳоратлари ҳам, тажрибалари ҳам ишларни тез ва соз бажаришда қўл келади. 2005 йилда 20 нафар ишчи билан фаолият бошлаган бўлсак, бугунга келиб яна 30 нафар қўшимча ишчи ўринлари очишга муваффақ бўлдик, маҳсулотларимиз тури ҳам кўпайиб бормоқда. Бунда, албатта юртимизда тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор ҳамда етарли имкониятлар, бозорни тинмай ўрганиб, ана шу асосда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, яъни харидор талаб, эҳтиёж ва дидига мос товарлар тайёрлаш қўл келмоқда. Шу боис ҳам йил охиригача яна 20 нафар ёшларни иш билан таъминлаш ниятидамиз.

Корхонада илк фаолияти даврида 3-4 хил мебель маҳсулотлари тайёрланган бўлса, ҳозирги пайтда болалар учун ва ошхона мебелларининг кўплаб турлари ҳамда 30 хил эшиклар ишлаб чиқарилмоқдаки, уларнинг дизайни ранг-баранглиги билан ҳар қандай хона кўркамлигини оширади, мустаҳкамлигини таъминлайди.

Корхона маҳсулотларининг асосий буюртмачилари бюджет ташкилотлари ва корхоналардир. Кейинги йилларда тадбиркорлар республика Ички ишлар вазирлиги ҳамда «Бухорогазсаноат», «Сифат қурилиш» сингари йирик корхона ва ташкилотларнинг буюртмаларини сифатли уддалашди. Албатта, маҳсулот тайёрланар экан, унинг четдан келтирилаётган мебеллар ўрнини босишига, улар билан бемалол рақобатлаша олишига эътибор қаратилади.



Фойдали шартномалар тузиш, буюртмалар портфелини тўлдириш мақсадида тадбиркорлар «Ташаббус» кўрик-танловларида, пойтахтимизда ўтказилаётган халқаро ярмаркаларда ўз маҳсулотлари билан фаол иштирок этишади.

Яқин келгусидаги режаларни белгилар эканлар, корхона тадбиркорлари янги фирма ташкил этишни кўзда тутишмоқда. Шунингдек, Бухорода корхонанинг филиалини очиш, уни энг замонавий линиялар билан жиҳозлаш режалаштирилган. Янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун эса Туркиядан замонавий технологик жиҳоз келтирилади. Албатта, изланишлар самара берса, корхонанинг бозордаги ўрни янада мустаҳкамланиши турган гап.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: мебелсозларнинг маҳоратлари ҳар бир тайёрланаётган маҳсулотда яққол кўриниб турибди. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## Қисқа сатрларда

● **ТОШКЕНТ** Ахборот технологиялари университетида талабалар, алоқа соҳаси мутахассислари, ўқитувчилар иштирокида алоқа техникаси ва технологиясининг жамият тараққиётидаги ўрни масаласига бағишланган анжуман ўтказилди.

● **ГЕМАТОЛОГИЯ** ва қон қуйиш институти ташаббуси билан уюштирилган халқаро конференция гематология ва қон қуйиш соҳасида тўпланган тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш масаласига бағишланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташаббуси билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чора-тадбирларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбати ва амалий машғулотларда Ўзбекистон Гидрометеорология маркази, Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси вакиллари иштирок этишди.

● **ШАҲРИМИЗДА** 20 ёшлилар ўртасида шахмат бўйича ўтказилаётган Ўзбекистон чемпионати мусобақалари якунига етди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги 112-мактабда гиёвандликнинг ёшлар соғлиғига салбий таъсири масаласига бағишлаб ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган семинар Республика Қизил Ярим Ой жамиятининг Мирзо Улуғбек туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилди.

● **ҲАМЗА** туманидаги «Тенгдош» маданият уйида Ёшлар йилига бағишлаб ўтказилган «Буюк келажак сардорлари» мавзуидаги тадбир Тошкент шаҳар Рус миллий маданият маркази ҳамкорлигида уюштирилди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

## ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 9-10 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ БИШКЕК ШАҲРИДА БЎЛИБ, МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ ВА ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИ (ЕВРАЗЭС) ДАВЛАТЛАРАРО КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСЛАРИДА ҲАМДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИДА ИШТИРОК ЭТДИ.**

Бишкекда 10 октябрь куни МДҲ саммити бўлиб ўтди. Учрашув кун тартибидаги асосий масала келажакда Ҳамдўстликни иқтисодий ривожлантириш стратегияси бўлди. Ушбу ҳужжат МДҲга аъзо ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш даражасини, салоҳият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва иқтисодий интеграция жараёнларини фаоллаштиришни кўзда тутади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур стратегия МДҲда иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари устувор ўрин тутиб бораётганидан далолат беради. Кузатувчи ва таҳлилчиларнинг фикрича, Ҳамдўстлик доирасида қабул қилинган ҳужжатлар орасида қоғозда қолиб кетганлари ҳам йўқ эмас. Бишкекда стратегиянинг муҳокама қилиниши аъзо давлатлар МДҲнинг иқтисодий салоҳиятини тўла ишга солиш учун амалий қадамлар қўяётганини англатади.

Ўзбекистон Президенти МДҲни ривожлантиришда «аввал иқтисод, кейин сиёсат» тамойилига асосан иш юритиш зарурлигини авваллдан таъкидлаб келади. Зеро, давлатлараро муносабатлар биринчи навбатда иқтисодий ҳамкорликка асосланиши зарур.

Саммитда Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш, унинг органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. МДҲ маконида тарихан қарор топган иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ҳар бир аъзо давлат учун манфаатли асосда сақлаш, ривожлантириш ва замон талаблари асосида қайта кўриб чиқиш зарур. Бундай алоқаларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Дейлик, бир мамлакатнинг чекка ҳудуди электр энергиясини қўшни давлатдан олади. Бир давлат хомашё ё яримтайёр маҳсулот экспорт қилади, бошқаси уни қайта ишлайди. Баъзан бир соҳанинг ўзида экспорт ва импорт аралаш бўлади. Мисол учун, Ўзбекистон қурилиш материалларини экспорт қилади, айни вақтда қурилиш учун зарур ёғочнинг муайян қисмини четдан келтиради.

Гуманитар соҳада ҳам МДҲ мамлакатлари ўртасида кўп томонлама фойдали алоқаларни ривожлантириш зарур. Таълим, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, спорт, илмий тадқиқотлар маданиятни бойитишга, илм-фанни ривожлантиришга, халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президентлар МДҲнинг Душанбе саммитида қабул қилинган қарорлар, 2008 йилнинг транспорт муаммоларини ҳал этиш йили деб эълон қилингани муносабати билан ишлаб чиқилган дастурлар ижросининг боришини муҳокама қилдилар. МДҲни ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этиш режасининг бажарилиши таҳлил қилинди. Давлат раҳбарлари Ҳамдўстлик Ижроия қўмитасининг МДҲ тузилмалари билан бошқа минтақавий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликка доир ахбороти билан танишдилар.

Саммитда хавфсизликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, халқаро молиявий инқироз, ушбу бўҳрон келтириши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этиш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди. Молия вазирлари раҳбарлигида ишчи гуруҳи тузишга келишиб олинди.

Музокара якунида МДҲни иқтисодий ривожлантириш стратегиясини қабул қилиш тўғрисидаги қарор ҳамда Ҳамдўстлик фаолиятига, қатор соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга оид ҳужжатлар имзоланди. МДҲга раислик Молдова Республикасига ўтди.

ЕврАзЭС Давлатлараро кенгашининг мажлисида асосий эътибор Божхона иттифоқини тузиш ишларини якунига етказиш масаласига қаратилди. Ҳамжамият доирасида бу жараён давом этмоқда.

Президентлар транспорт коммуникациялари ва транзитдан унумли фойдаланиш масалаларини кўриб чиқдилар. Агросаноат мажмуида ҳамкорлик, Ҳамжамиятни иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари юзасидан фикр алмашдилар.

Ҳамжамият ижтимоий соҳадаги алоқаларни ривожлантиришга ҳам хизмат қилмоқда. 2007 йили Евроосиё ўйинлари ташкил қилиниб, унда 1,5 мингдан зиёд йигит-қиз қатнашди. 2009 йилда Евроосиё халқлари маданияти фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Саммитда Президентлар гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шундан сўнг Марказий Осиё мамлакатлари давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Музокарада сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент – Бишкек – Тошкент.**

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг номоддий маданий мерос объектлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга бағишланган семинар-йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуман якунида «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқ деб топилди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг тоғ-кон саноати корхоналари ва «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан ижроси масаласига бағишланган назорат-таҳлил йиғилиши ўтказилди.**

● **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бу гал ўзгача шаклда уюштирилди. Фракция Ўзбекистон ХДП электорати манфаатини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, шаҳар туманлари партия кенгашлари раислари, фаоллар иштирокида иккинчи ўқишда муҳокама қилди.**

● **Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 августда қабул қилинган «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармасида чақирилувчиларни тантанали равишда ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди.**

● **Тошкентда «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида иқтидорли қизлар республика анжумани бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистоң Хотин-қизлар қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Болалар жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

● **«Экосан» халқаро ташкилотида «Кузги хазонрезги даврида экология ва саломатлик масалалари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда чиқиндиларни ёқишнинг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига салбий таъсири хусусида сўз борди.**

### ЖАҲОНДА

● **Европадаги 15 та давлатнинг соҳа раҳбарлари Парижда ўтказилган учрашув давомида Европанинг йирик банкларини молиявий таназзулдан қутқариш ҳақидаги ҳаракатлар дастурини қабул қилишди.**

● **АҚШнинг КХДРни махсус рўйхатдан чиқарганлиги сабабли Шимолий Корея ўзининг Йонбенда жойлашган йирик ядро иншоотини расмий равишда музлатиб қўйишини билдирди.**

● **Англия пойтахти Лондон кўчаларида минглаб автобус ҳайдовчилари иш ташлаб намойишга чиқишди. Улар «First», «Metroline» ва «Metrobus» компанияларининг ходимлари бўлиб, ҳайдовчиларнинг норозилигига уларга иш ҳақи тўлаш масаласида адолатсизлик қилинаётгани сабаб бўлган.**

● **Швециянинг Стокгольм шаҳрида нуфузли Нобель мукофотининг адабиёт йўналиши бўйича 68 ёшли французиялик ёзувчи Жан Мари Гюстав Леклезио ғолиб деб топилди. Бугун иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотининг соҳиби номи маълум бўлади.**

● **Кеча Ироқнинг Бағдод шаҳрида террорчи-камикадзенинг ўзини портлатиб юбориши оқибатида етти киши ҳалок бўлди, тўққиз киши эса турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

● **Кеча Мўғулистонда йўловчи автобусининг ағдарилиб кетиши натижасида 20 киши яраланди.**

● **Кеча Москвада аёллар ва эркаклар ўртасида ташкил қилинган теннис бўйича халқаро Кремль кубоги турнири якунланди.**

● **Италиянинг Турин шаҳридаги мактаблардан бирида тажриба тариқасида барча ўқув қуроллари ноутбук компьютерлари билан алмаштирилиб, амалда синаб кўрилмоқда. Ташкилотчилар шу йўл билан таълим соҳасидаги харажатларни камайтиришга эришишмоқчи. Эҳтиёт чораси сифатида эса ўқувчиларнинг ушбу компьютерлар орқали Интернетга боғланишлари махсус дастур ёрдамида чеклаб қўйилади.**

● **«Нархларни ўлдирувчи» лақабли 39 ёшли Хуан Гуанюй Хитойнинг энг бой кишисига айланди. 6,3 миллиард долларлик сармояга эга Гуанюй ўз бойлигини чакана савдо орқали маҳсулотларга нархни рақобатчиларидан пастроқ белгилаган ҳолда ишлаб топган.**

● **Европа қитъасидан ташқарида ташкил этилган «Аэробус» авиалайнерларини дастлабки йиғиш линияси Хитойнинг Биньхай туманида фойдаланишга топширилди. Жаҳондаги энг илғор технологиялар билан жиҳозланган мазкур йиғув линиясида «А-320» самолётлари Европа стандартларига тўла риоя қилган ҳолда ишлаб чиқарилади.**

## ЎЗБЕК ПАХТАСИГА ЖАҲОН БОЗОРИДА ТАЛАБ ОРТИБ БОРМОҚДА

**АВВАЛ МАЪЛУМ ҚИЛИНГАНИДЕК, ТОШКЕНТДА 14-15 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛАЁТГАН IV ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТАДИ.**

Ўзбекистон бу йил ўз ҳамкорларига нави ва сифати жиҳатидан қандай толани таклиф этмоқда? "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази бош директори Валерий Устюгин бу ҳақда ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

– Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасини ҳар йили ўтказиш анъанага айланди ва у жаҳон пахта бозорида мустаҳкам ўрин эгаллади, – дейди В.Устюгин. – Ярмарка иштирокчилари сони ва унинг якунида тузилаётган шартномалар ҳажми ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда.

**(Давоми 3-бетда).**

## ВАРШАВАДА БРИФИНГ

**ПОЛЬШАДАГИ ШАРҚ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА БУ БОРАДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Тадбирда Польша ноҳукумат ташкилотлари, давлат идоралари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов сўзга чиқиб, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ҳақида ахборот берди.

Брифингда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 60 дан зиёд халқаро шартномани имзолагани қайд этилди. Шунингдек, мамлакатимиз БМТнинг бу борадаги олтита асосий халқаро битимига қўшилган. Бугунги кунда Ўзбекистон томонидан 20 та миллий ҳисобот тақдим этилган бўлиб, шулардан 18 таси БМТ конвенция муассасалари томонидан кўриб чиқилган. Юртимиз ташкилотнинг шартнома органлари билан ҳам, хусусан, махсус процедура ва механизмлари, Инсон ҳуқуқлари Кенгаши билан ҳам мунтазам алоқани йўлга қўйган.

Тадбир қатнашчилари шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар, мамлакатда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши натижалари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини нишонлаш борасида олиб борилган кенг кўламли ишлар юзасидан ҳам маълумотга эга бўлди.

Шарқ тадқиқотлари маркази директори И. Дарчевска Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутишини таъкидлар экан, мамлакатда барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолади. У Европа давлатлари, жумладан, Польшанинг ҳам юртимиз билан узоқ муддатли ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришдан ва мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

**«Жаҳон» АА,**
**Варшава шаҳри**

# ТАДБИРКОР

**ЭЛ-ЮРТ, АЛБАТТА МУНОСИБЛАРНИ ОЛҚИШЛАЙДИ. ОЛҚИШ ОЛГАН ИНСОН ЭСА РАҒБАТДАН РУҲЛАНИБ, ТЎЛҚИНЛАНИБ ЯНА ОЛҒА ИНТИЛАДИ, САМАРАЛИ МЕҲНАТ ЙЎЛИДА ИЗЛАНАДИ, ЮРТ РАВНАҚИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚЎШАДИ. БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАЙДИ.**





*Нишондорларимиз*

## МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра мукофотланганлар қаторида «Шуҳрат» медалига сазовор бўлган ҳамшаҳримиз Абдуғани Қосимов ҳам ана шундай инсонлар сирасидан. У «Эътиқод» хусусий фирмаси раҳбари, изланувчан дизайнер, «Энг яхши тадбиркор» номини олган ишбилармондир. Бугунги кунда А.Қосимов раҳбарлик қилаётган корхона цехларида тайёрланаётган сифатли ва рақобатбардош мебель маҳсулотлари хорижда ишлаб чиқарилган худди шундай товарнинг ўрнини бемалол боса олади. Шунинг учун бўлса керакки, нафақат ички бозорда харидорлар талаби қондирилмоқда, балки қўшни давлатлардан ҳам кўплаб буюртмалар тушмоқда.

Ривожланишнинг асосий омили хусусида тўхталадиган бўлсак, аввало бозорни тинмай ўрганиш, замонавий мебель ишлаб чиқариш техника ва ускуналари, янги-янги технологиялардан самарали фойдаланиш ютуқларга гаров бўлса, иккинчидан ҳукуматимиз ва Президентимизнинг тадбиркорликка қаратилган катта эътибори энг муҳим омиллардан саналади, десак асло муболаға эмас.

— Албатта, Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорларида кўзда тутилган имтиёзлар, қўллаб-қувватлашлар эркин фаолият юритишдаги ғов ва тўсиқларни бартараф этишда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожида катта аҳамиятга эга бўлмоқда, — дейди Абдуғани Қосимов. — Биргина корхонамиз мисолида кўрадиган бўлсак, бундан ўн йиллар илгари таваккал билан иш бошлаган эдик. Атиги 3-4 та ходим бирлашиб оддийгина болалар караводи ва стул тайёрлай бошладик. Ускуналаримиз ҳам оддий. Лекин сифатга қаратган эътиборимиз харидорни жалб этди, уларнинг сафи кенгайиб борди. Кейинчалик буюртмалар кўпайиб хорижий линия ва ускуналарга, яъни замонавий дастгоҳларга эҳтиёж сездик. Албатта, Италиядан келтирилган дастгоҳларни кичиккина цехимизга эмас, янги цехларга ўрнатдик. Натижада янги ишчи ўринлари ҳам яратилди. Уста мебелсозларимиз сафлари ёшлар ҳисобига ортиб борди. Тажрибали усталаримиз шогирдлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратди. Ахир замон талаблари асосидаги маҳсулотларни тайёрлаб, уни элга манзур қилиш учун сифатли хом ашё, замонавий технологик линия ва малакали кадрлар кераклигини биламиз. Шунингдек, изланиш, янгилик яратиш, имкониятлардан оқилона фойдаланиш лозим.

Абдуғани Қосимов изланишдан асло чарчамайди. У маҳсулотларнинг харидоргир турларини яратиш мақсадида тажриба тўплаш учун хорижий давлатларда бўлади, халқаро мебель ярмаркаларида қатнашади ва ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга интилади. Натижа эса кутилганидан ҳам зиёда бўлмоқда. Ҳозирда корхонада 60 хилдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, унинг янги турларини ишлаб чиқаришга, ошиб бораётган харидор талабини қондиришга эътибор кучли.

Яна бир қулайлик томони хусусида тўхталадиган бўлсак, ўтган йилда корхонанинг замонавий муҳташам биноси ишга тушди ва бинодан офис ҳамда катта кўргазмалар зали ўрин олган. Бу ерга келган ҳар бир харидор маҳсулот сотиб олиш баробарида буюртмалар бериши, фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашиши мумкин. Кўргазма залидан эса корхонада тайёрланган барча мебель маҳсулотлари ўрин олган. Яна шуни таъкидлаш керакки, йил бошида тадбиркорлар ўзларининг маҳсулот турлари жамланган янги каталогларини чиқардилар. Бу ҳам буюртмачи ва харидорлар учун қулайлик туғдирди.

Корхона муваффақиятлари хусусида тўхталадиган бўлсак, улар анъанавий тарзда Президент соврини учун ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг Собир Раҳимов туманида фаол иштирок этишиб, ғолибликни қўлга киритишган. Жорий йилда ҳам кўрик-танловнинг туман босқичида 1-ўринни, пойтахт босқичида эса 2-ўринни эгаллашди. Корхонанинг янги турдаги стол ва стуллари, юмшоқ мебель ҳамда ётоқхона термалари алоҳида эътирофга сазовор бўлди. Йил охиригача яна бир неча турдаги янги мебеллар тайёрлаб, харидорларга манзур этилади.

Корхонада ҳозирга келиб 96 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Ўтган йилда 500 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлаган тадбиркор жамоа аҳли жорий йилда ушбу кўрсаткични 20 фоизга оширишни режалаб туришибди. Албатта, ишлар самарадорлигида мебелсозларга яратилган шарт-шароитларнинг роли катта. Айтиш лозимки, тадбиркор ва талабчан раҳбар Абдуғани Қосимовнинг «Шуҳрат» медали билан тақдирланганлиги жамоа аҳлини тўлқинлантириб юборди. Шу боис ҳам улар ана шу рағбатни оқлаш ниятида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, сифатли ва импорт ўрнини босувчи, шунинг баробарида экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга интилишмоқда. Зеро, интилганга ҳамиша толе ёр бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхона раҳбари, «Шуҳрат» медали соҳиби Абдуғани Қосимов ва мебелсозларнинг иш жараёнидан лавҳалар.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**





**ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ИЗЛАНИБ, МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА ХАРИДОРГИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ТОВАРЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ, ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЯХШИ САМАРА БЕРАДИ.**



## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛМОҒИ ОРТАДИ

Маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланган ҳолда маҳсулот тайёрлаб, буюртмачилар талаб ва эҳтиёжини қондираётган «Бектемир спирт» акциядорлик жамияти цехлари ҳам Германиядан келтирилган юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, ўтган йилда иш бошлаган мазкур жамоада бугунги кунда 150 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан тайёрланаётган маҳсулот республикамиз бўйлаб буюртмачи корхона ва ташкилотларга етказиб берилмоқда. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, малакали кадрлар томонидан тайёрланган корхона маҳсулотларига Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон сингари қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқдаки, бу ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, экспортни йўлга қўйиш имкониятини яратади.

— Энг аввало, бугунги бозор иқтисодиётининг талабини тўғри англаган ҳолда харидорбоп маҳсулот турларини сифатга алоҳида эътибор қаратиб ишлаб чиқариш лозим, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Исматилла Зупаров. — 2,2 гектар майдонни эгаллаган корхонамизда асосий цехларимиз фаолият кўрсатмоқда. Шунинг баробарида 4 қаватли маъмурият биноси ҳамда маҳсулот тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёни олиб келишга мўлжалланган темир йўл станцияси бунёд этилмоқда ва йил охиригача уларни ишга туширишни режалаб турибмиз. Албатта, ишчи ходимларимизга яхши меҳнат қилиш ва қулай дам олиш шароитларини яратиш, соғлиқларини муҳофаза қилиш, спорт билан шуғулланишларини таъминлашга катта эътибор қаратамиз.

Келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида корхонада қўшимча ишчи ўринлари яратиш ҳам кўзда тутилган. Бунинг учун, албатта цехларга хориждан келтирилган янги ишлаб чиқариш линиялари келтириб ўрнатилади. Бу шубҳасиз, корхона ривожида муҳим роль ўйнайди. Энг асосийси эса ишлаб чиқариш салмоғининг ўсиши мамлакатимиз иқтисодиёти ривожидаги ҳиссасини янада оширади.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: тадбиркорлар маҳсулот сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратишади.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

*Ҳунари гўзаллар*

## БЕТАКРОР БУЮМЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

**ЮРТИМИЗДА ҲУНАРМАНДЧИЛИККА, ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ҚАРАТИЛГАН КАТТА ЭЪТИБОР БОИС ҚЎЛИ ГУЛ ҲУНАРМАНДЛАРИМИЗ ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИНИНГ ТУРЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ЎЗ МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТМОҚДАКИ, УЛАР НАФАҚАТ ЮРТИМИЗДА, БАЛКИ ХОРИЖДА ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА.**

Айниқса, ҳунармандларга яратилган шарт-шароитлар, берилган имтиёзлар уларнинг янада фахр билан меҳнат қилишларида, ота-боболаримиз, момоларимиз ҳунарларини асраб-авайлаб, ижодий ривожлантириб эъзозлашларида, яратган буюм ва маҳсулотларида катта аҳамият касб этмоқда. Ҳунармандчиликнинг сандиқсозлик, бешиксозлик, ганчкорлик, мисгарлик, зардўзлик, попопчилик, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, тунукасозлик, темирчилик, заргарлик ва бошқа кўплаб турлари ривожланмоқдаки, айниқса бу борада ёшларнинг бўй кўрсатаётгани, ҳунар сир-асрорларини мукаммал эгаллаб эл-юртга танилаётгани, халқаро кўргазмаларда муваффақият қозонаётгани барчамизни бирдай қувонтиради.

Қарийб 8 йилдан буён халқ амалий ҳунармандчилигининг каштачилик йўналишида фаолият кўрсатиб келаётган Мадина Қосимбекова ўзи ёш бўлишига қарамасдан бугунги кунда 100 нафардан зиёд шогирдларига ҳунар сирларини мукаммал ўргатишга интилмоқда. У «Абулқосим» мадрасасида ҳунарга қизиққан ёшлар билан ишлаш баробарида, Қўқонда, яъни Бағдод туманидаги 30 нафар қизларга каштачилик сир-асрорларидан сабоқ бермоқда.

Мадина табиий хом ашё — адрас ҳамда шойилардан фойдаланиб, ана шу матолардан тикилган ва тайёрланган буюмларга тоза ипак ип билан безак беради, яъни каштачилик маҳоратини намойиш этади. У тайёрлаган турфа буюмлар сони 100 хилдан ҳам ортиб кетган бўлиб, ўзига хос жилоси, дизайни билан ажралиб туради. Хилма хил устки кийим-кечаклар, оёқ кийимларию рўзғор ашёлари, сумка ва ҳамёнлар, дўппиларда Мадинанинг каштачилик маҳорати акс этиб, ҳар бирида миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимиз мужассамини кўриш мумкин.

— Болалигимдан қўлимга игна-ип олиб шу ҳунарни эгаллашга қизиқдим, — дейди Мадина Қосимбекова. — Кашта нақшлари мени ўзига мафтун этди ва янада ижодий изланишга киришдим. Янги-янги эскизлар тайёрлаб, уларни ипак ипларда акс эттирдим. Аввалига сўзаналар, ёстиқ жилдлари ва халатлар тайёрлаган бўлсам, кейинчалик изланишларим самара бериб, турли хил буюмлар тикдим. Ушбу маҳсулотлар пойтахтимизга ташриф буюрган хорижий сайёҳларда ҳам катта қизиқиш туғдириб, буюртмалар беришди. Шундай қилиб биз тиккан каштачилик буюмлари дунёга танилмоқда. Бундан фахрланмай бўладими?! Шу боис ҳам мен бувию момоларимиз ҳунарини эъзозлаётганимдан беҳад фахрланаман. Келгусида шогирдларим орқали авлодларга мерос қолдиришга ҳисса қўшсам ўзимни бахтиёр ҳисоблардим.

— Мадина турли кўрик-танловларда, кўргазмаларда фаол иштирок этади. У 2007 йилда ўтказилган «Мустақиллик нафасида камол топган ҳунармандлар» республика халқ усталари ва ҳунармандлари кўргазмасининг, 2006-2007 йилларда «Дизайн ва мода ҳафталиги»нинг фаол иштирокчилари қаторида диплом ва совғалар билан тақдирланган. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимиз соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг Собир Раҳимов туман босқичида ўз маҳсулотлари билан иштирок этган Мадина Қосимбекова шартларни аъло даражада бажариб, ҳунармандлар орасида ғолиб деб топилди. Фахрли 1-ўринни қўлга киритган каштачига «Энг яхши ҳунарманд» номи берилди.

Бугунги кунда Мадина изланишларни асло бўшаштирмай, янги-янги эскизлар устида ишламоқда, бетакрор буюмлар яратмоқда. Унинг келгусидаги орзуларидан бири ўзининг шахсий кўргазмасини ихлосмандларига тортиқ этишдир.

**Дилноза СОДИҚОВА**

*Сўранг, жавоб берамиз*

## ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИНГ

**ТАДБИРКОР СИФАТИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАР ЭКАНМАН, ТЕЗ-ТЕЗ ЙИҒИЛИШЛАРГА ЧАҚИРИШАДИ. БАЪЗИДА МИНБАРГА ЧИҚИБ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРНИ АЙТИШ ЗАРУР БЎЛАДИ. АНА ШУНДАЙ ПАЙТДА НЕГАДИР ЎЗИМНИ ЙЎҚОТИБ, СЎЗЛАРИМ ЧАЛКАШИБ КЕТАДИ. МИНБАРГА ЧИҚҚАНДА ТАДБИРКОР ЎЗИНИ ҚАНДАЙ ТУТСА, ҲАЯЖОНИ ЙЎҚОЛАДИ ВА ЭЪТИБОР ҚОЗОНАДИ.**

**Файзулла Одилов,**
**тадбиркор**

Айтиш жоизки, тадбиркорлик — бу маданият. Айтишларига қараганда, маданиятли тадбиркор бўлиши шарт эмас, лекин тадбиркор инсон, албатта маданиятли бўлиши лозим. Тадбиркор раҳбарнинг маданияти унинг минбарда сўзлаган чоғида, у ерда ўзини қандай тутишида, нутқида ўз аксини топади.

Сиз минбарга чиқдингиз, шуни унутмангки, нутқингиз осон қабул қилиниши учун обдон тайёргарлик кўринг. Дарров нутқни бошламай сизга эътибор беришларига имкон яратинг ва маълумот ҳамда рақамларни ўқиб беринг. Қоғозга муккасидан тушиб ўқиманг, залда ўтирганларга қараб гапиринг.

Сўзлаётган нутқингизни шунчаки ўқиб бермай дона-дона, таъсирчан ва бурро бўлиши кераклигини унутманг. Гапирганингизда кўча сўзларини аралаштирманг, муҳим фикрлар бўлса, уларга урғу бериб такрорлаб, ҳаракат ҳамда имо-ишоралар билан тушунтиринг. Тингловчи сизни англаши, гапингизни тушуниши учун имкон яратинг, яъни тез гапирманг.

Бир маромда сўзлаш яхши самара беради. Ҳаддан ташқари баланд овоздаги нутқ асабга тегса, жуда паст гапириш эшитувчини зериктиради, шунчаки бўлиб қолади, қабул қилувчанлиги ҳам пасаяди. Тез ҳам, имиллаб ҳам гапирманг.

Яна такрор айтамиз, сиз минбардасиз, нигоҳлар сизга қадалган, қулоқлар сўзларингизни кутмоқда. Шундай пайтда тингловчилар сизга қуйидагиларга қараб баҳо беради: минбарда ўзингизни қандай тутаяпсиз? Қандай кийингансиз ва гапираётган гапларингизга ўзингиз ишонасизми? Сўзлаётган ҳар бир фикрингизни ўзингиз қай даражада биласиз?

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, маданиятли тадбиркор бўлишни, ходимларингиз ҳурматини, тингловчи эътиборини қозонишни истасангиз, шунчаки гапирманг: аввал ўйланг, кейин сўйланг.

## СИРЛИ ОЛАМ

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

● Япониянинг «Мицубиси» корпорацияси мамлакатдаги 60 чанғи базалари учун сунъий қор ишлаб чиқаришни бошлади. Бунинг учун мутахассислар бактерияларнинг бир туридан фойдаланишмоқда. Улардан олинган препарат сувнинг музлаш ҳароратини цельсий бўйича олти даражагача кўтариш имконини беради. Ана шундай сув томчилари ҳаво билан бириккан заҳоти пахмоқ қор учқунларига айланади.

● Японияда денгиз маҳсулотларининг айрим чиқиндиларидан қандай қилиб фойдаланишни кўпдан бери топишолмаётган эди. Балиқ заводларида катта ва митти қисқичбақаларнинг, бошқа денгиз мавжудотларининг тоғ-тоғ коса-қобиқлари тўпланиб қоларди. Аммо яқинда улардан хитинни қайта ишлаш технологияси яратилди. Эндиликда ҳеч кимга кераксиздек туюлган ана шу хом ашёдан спортчилар кийим-кечаклари учун ниҳоятда пишиқ ва гигиена талабларига жавоб берадиган газлама ишлаб чиқарилмоқда.

● Америкалик олим Фрэнк Флуднинг айтишича, мусиқа юраги хаста кишиларга яхши кайфият бағишлайди. Ёқимли куй беморлардаги тушкунликни йўқотади. Касаллик туфайли пайдо бўлган ваҳима ва хавотирни унутишга ёрдам беради. Японияда эса ғалати кузатув ўтказилган. Агар эмизикли аёл классик куйларни тингласа, болага меҳри ортар, жаз ва замонавий мусиқалар эса уни камайтирар экан.

● Норвегиянинг шимолидаги Арктика бўшлиқларида «Ваггетем» деб номланувчи кичкина қишлоқча бор. Ана шу қишлоқча дунёда ўзининг энг кичик мактаби билан машҳурдир. Чунки бу мактабда маҳаллий айиқ овловчиларнинг атиги уч нафар фарзандлари ўқишади. Бу қишлоқда бор-йўғи 40 та киши яшайди, улар бир-бирлари билан жуда ҳам иноқ.

● Таиландлик талабалар энг кичкина мотоцикль ясашга муваффақ бўлишди. Мотоциклнинг узунлиги 43 сантиметр, баландлиги эса 18 сантиметр. Лекин ажабланарли жойи шундаки, у соатига 15 километр тезликда юриши билан бирга 130 килограммгача бўлган юкни кўтара олади. Канакунжут мойи ёки спирт унинг асосий ёнилғиси ҳисобланади.

● Хитойнинг Хунан деган жойида фақат аёллар фойдаланадиган алифбо мавжуд. У 600 га яқин иероглифлардан ташкил топган бўлиб, алифбо бундан икки аср муқаддам чамаси яратилган. «Аёллар ҳарфлари» мавжудлиги бундан 35 йил илгари аниқланган эди, ёзувнинг бу шакли нима сабабдан вужудга келгани маълум эмас.

● Аляскада хизмат қилувчи геологлар ўлчов асбобларидан тортилган кабелларни қандайдир номаълум ҳайвонлар ғажиб ташлаётганлигидан ташвиш тортаётган эдилар. Кузатувчилар бу иш тулкилар томонидан бажарилаётганлигини аниқлашди. Олимлар симларнинг ташқи қаватига қайин гаримдориси суртиб қўя бошладилар. Эндиликда тулкилар энг аччиқ гаримдори билан ишланган кабелларни ғажиш у ёқда турсин, ҳатто яқинига ҳам келмай қўйдилар.

● Акриламид полимери ўзининг ҳажмидан 600 баравар ортиқ ҳажмдаги сувни жойлай олади. Британиялик олимлар чўл зоналарда дарахт илдизлари атрофида шундай сув ютилган полимерларни жойлаштириб, тажриба ўтказдилар. Бу тажриба чўлларда ўрмонлар яратиш мумкинлигини исботлади.

● Коинотнинг ерга яқин қисмида чиқиндилар жуда кўпайиб кетганлиги ҳақида хабарлар тарқалди. Ер атрофида ўз хизматини бажариб ва кейин портлатиб юборилган космик аппаратлар, йўқолиб ёки узилиб кетган қисмлар ҳамда отиб юборилган деталлар ҳисобига ҳозир коинотда 3,5 миллиондан ортиқ нарсалар учиб юрганлиги қайд қилинади. 200 километр радиус атрофида мана шундай жисмлардан катта-кичиги бўлиб, уч минг тонна оғирликдагиси мавжудлиги амалда тасдиқланди. Мана шундай жисмларнинг энг кичиги ҳам хавфли эканлиги фазогирларга маълум. Ярим миллиметр катталикдаги металлик чанг — заррача фазогир скафандрини тешиб юбориши ва ҳатто унинг ҳаётини хавф остида қолдириши аниқдир. 1983 йили қалинлиги 0,2 миллиметрли бўёқ пардаси Америка «Шаттл»ларидан бирининг ойнасини тешиб ўтганлиги тажрибаларда кўрилган.

● Американинг Теннеси штатидаги Мемфис университети тиббиёт факультетининг инсон аъзоларини кўчириш кафедрасининг мудири, мисрлик олим доктор Исама Жобир қанд касаллигига дучор бўлган хасталар организмида табиий инсулин моддасини ажратиш билан боғлиқ янги бир усулни муваффақиятли қўллай бошлади. Бу усул ошқозон ости безида инсулин ажратиб чиқаришга хизмат қилувчи «Лангерхен» ороллари»ни бемор организмига кўчириб ўтказиш билан боғлиқдир. Маълумки, мана шу оролчалар фаолияти бузилса ёки тўхтаса, инсон қанд касаллигига мубтало бўлади. Янги услуб ошқозон ости безини кўчиришга кетадиган катта сарф-харажатга чек қўяди, айни чоғда у беморларда учрайдиган дармонсизланиш, ҳолсизланиш, хушдан кетиш сингари қатор хавф-хатарли ҳоллардан йироқ. Чунки мазкур оролчалар инсон организми учун оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас, балки керакли миқдорда инсулин ажратиб чиқаради.

● «Бней-Цион» тиббиёт маркази ва Хайфадаги Технионда оғриқ ҳиссиётларини ўлчаш учун компьютерлаштирилган қурилма ишлаб чиқилди. Унинг иши одамларнинг юрак уриши доимо бир хил эмаслиги ҳамда қатор жиҳатлар, хусусан инсон оғриқ сезаётганлигига боғлиқлигича ҳам асосланади. Юрак уришини текшириш, кейинчалик уни таҳлил қилиш ва таснифлаш орқали бемор ҳис этаётган оғриқ кучини юқори даражада аниқлаш мумкин. Бундай қурилма бемор бирор сабабларга кўра нима ҳис этаётганлигини тўла айта олмаган ҳолларда айниқса қўл келади.

● Исроилдаги Вейцман институти олимлари мия ҳужайралари (нейронлар) орасида ахборот алмашиниши кескинлашишининг сабабини аниқлашга муваффақ бўлишди. Бу ихтиро Альцгеймер ва Паркинсон, эпилепсия, асаббузарликлар ва мия ишлаши бузилиши билан боғлиқ бошқа касалликларни даволаш учун восита ишлаб чиқаришда ёрдам беради. Мия ҳужайраларининг ионли — электрон импульслар ва ўзига хос кимёвий моддалар ажратиш йўли билан ўзаро ахборот алмашиниши фанда аллақачон маълум. Бироқ, бундай механизм ишлаши тафсилотлари ҳали ойдин эмасди. Вейцман институтида профессор Генри Маркрам раҳбарлигида ўтказилган тадқиқотлар бу жумбоқни бироз ечган кўринади. Олимлар томонидан GABA деб номланган кимёвий модда ажратиб чиқарилишига эришилди. Унинг бош миядаги миқдори нейронлар орасида сигналлар алмашиниши тезлигига таъсир кўрсатди. Шунингдек, бундай модда ажратиб чиқарадиган ҳужайралар ҳам аниқланди. Айнан мазкур «назорат ҳужайралари» нейронлар орасида импульслар алмашиниши тезлиги ва сифатига жавобгардир. Вейцман институти олимлари ихтироси нафақат неврология, балки шу билан бирга асаб касалликлари, хусусан шизофрелия, маникал-депрессия психози ва эпилепсияни даволаш учун қўлланиладиган дориларни ишлаб чиқаришни жадаллаштириш имконини беради.

## ДИҚҚАТ, ИЖОДИЙ ТАНЛОВ!

***Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирок этишини таъминлаш, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган демократик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида эълон қилган «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзуидаги ижодий танлов давом этмоқда.***

**Танлов шартлари:**

— танловга жорий йилнинг 1 июнидан республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти ва мамлакатимизда бу ҳужжатнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур ижтимоий- иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади;

*— танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим;*

*— тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак;*

*— фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади;*

*— ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.*

**Ғолиблар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали мутахассис экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган жюри ҳайъати томонидан аниқланади.**

**Танлов ғолибларига мукофотлар:**

**1-ўрин (1 та)**

**2-ўрин (2 та)**

**3-ўрин (3 та)**

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.

Материаллар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2008 йил 1 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри - 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 5-хона. тел./факс: 244-12-51, 244-15-96, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz, mmf.uz@mail.ru.

**Ташкилий қўмита**

*Кўргазмалар*

# ТРАНСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» КЎРГАЗМАЛАР МАЖМУАСИДА ЯНА БИР АНЪАНАВИЙ ЙИРИК ХАЛҚАРО ТАДБИР — БЕШИНЧИ МАРОТАБА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ТРАНСПОРТ ВА ЛОГИСТИКА — ЎЗБЕКИСТОН-2008» КЎРГАЗМАСИ УЧ КУН ДАВОМИДА ҚИЗҒИН ИШ ЮРИТДИ.**





Лойиҳа ташкилотчилари — UFI аъзоси ҳисобланувчи ITE- Uzbekistan ҳамда унинг шериги ITE Exhibitions-Conferences ltd (Буюк Британия) халқаро компанияларидир. Расмий қўллаб-қувватловчилар сифатида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Божхона қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги; «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси; «Ўзташқитранс» давлат акциядорлик компанияси; «Тошкент халқаро аэропорти» давлат унитар корхонаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси хизмат қилди.

Мустақиллигимиз шарофати билан кейинги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби, мамлакатимиз транспорт салоҳиятини ошириш йўлида самарали саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон янги транспорт магистралларини қуриш, автомобиль йўллари сифатини янада ошириш борасида МДҲ давлатлари орасида пешқадамлик қилмоқда. Ҳозирда республикамизда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари узунлиги 42 минг километрдан кўпроқ масофани ташкил этади. Давлатимиз миллий транспорт тармоғини такомиллаштиришга йўналтирилган 30 дан зиёд халқаро конвенциялар, дастурлар, лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда.



Халқаро кўргазма экспозицияларида бевосита автомобиль, темир йўл, денгиз ва дарё транспорти автомашиналари қаторида шунингдек логистика, курьерлик ва ахборот хизмати, юк транспорти ускуналари, портлар ва терминалларга оид бўлимларда юқори технологиялар, инновациялар билан танишиш имконияти яратилди.

Кўргазмада иштирок этган соҳа мутахассислари ушбу йўналишдаги айниқса логистика хизмати янгиликларидан баҳраманд бўлиб, юртимизнинг бу борадаги имкониятлари, жаҳондаги энг сўнгги технологиялари билан яқиндан танишишди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу анъанавий халқаро кўргазма доираси янги рақобатчи компаниялар ҳисобига янада кенгайгани кузатилди. Хусусан, бу галги кўргазмада 20 га яқин компания қатнашган бўлса, улар орасида янги номлар ҳам кашф этилди деса бўлади.

«Ўзтемирйўлконтейнер» ва «STS Logictics Tashkent» — бу номлар республикамиз ташқарисида ҳам яхши маълум бўлган контейнерда юк ташишни ташкил этиш ҳамда логистика хизматлари билан шуғулланувчи миллий компаниялардир. Кўргазмада айниқса Россиянинг транспорт соҳасида эришган имкониятлари кенг намойиш этилди.

Кўргазма доирасида «Совплим холдинг» компанияси томонидан ташкил этилган экология мавзусида семинар бўлиб ўтди.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА.**

**СУРАТЛАРДА: «Транспорт ва логистика» халқаро кўргазмасидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

# ЎЗБЕК ПАХТАСИГА ЖАҲОН БОЗОРИДА ТАЛАБ ОРТИБ БОРМОҚДА

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

Қиёслаш учун биргина мисол: 2005 йилда ташкил этилган биринчи ярмаркада 30 мамлакатдан 170 га яқин компания вакиллари қатнашган бўлса, 2007 йилда дунёнинг 35 мамлакатида фаолият кўрсатаётган фирма ва компанияларнинг 450 нафардан ортиқ вакили иштирок этди. Жорий йилда эса ярмаркада қатнашиш учун бундан ҳам кўп ариза қабул қилинди. Буларнинг барчаси хорижий бозорларнинг ўзбек пахтасига эҳтиёжи ортиб бораётганидан далолат беради. Трейдер ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар бизнинг пахтамизни сотиб олишдан манфаатдор. Чунки, ўзбек толаси ўзининг юқори сифати билан ажралиб туради ва у халқаро миқёсда эътирофга сазовор бўлган.

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кенг миқёсда, хусусан, пахтачилик соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бевосита натижасидир. Соҳада катта ўзгаришлар амалга оширилди, пахта селекцияси ва уни етиштиришдан толани сертификатлаш ва сотишгача бўлган жараёнлар энг илғор жаҳон стандартлари даражасига кўтарилди. Бунда пахта етиштириш тўлиқ бозор муносабатларига қаратилгани ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, қишлоқ хўжалиги соҳасида деҳқонлар меҳнати самарадорлигини ошириш, уларда ерга эгалик ҳиссини шакллантиришга қаратилган пухта ўйланган техника ва молия-кредит сиёсатининг амалга оширилиши, пахта заводлари ва терминаллар фаолиятини тубдан яхшилаш борасида кўрилган чора-тадбирлар ўзбек толаси рақобатбардошлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун фермерларимиз селекционерлар томонидан taklif этилаётган навлар орасидан бозорда талаб юқори бўлганларини танлаб олиш имкониятига эга. Сўнгги йилларда бир қатор янги эртапишар ва серҳосил, тола чиқиши юқори бўлган навлар яратилди. Пахтанинг “Бухоро-6”, “С6524”, “Ан-Боёвут-2”, “Наманган-77”, “Бухоро-102”, “Бухоро-8”, Оқдарё-6”, “Меҳнат”, “Омад”, “Хоразм-127” каби республикамиз тупроқ-иқлим шароитларига мос селекция навларига истеъмолчиларда талаб катта. Асосан булар жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган ўрта толали навлардир.

Истеъмолчилар сотиб олаётган тола сифатини кафолатлаш учун республикамизда уни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида таснифлаш ва сертификатлаш бўйича ислоҳотлар амалга оширилди.

Толани сертификатлаш билан ҳам ишлаб чиқарувчилар, ҳам истеъмолчилардан мустақил бўлган, Европадаги етакчи пахта уюшмалари аъзоси ҳисобланган “Сифат” маркази шуғулланади. Сертификатлаш ва тойларни синовдан ўтказиш жараёни энг замонавий ускуна – HVI тизимларидан фойдаланишга асосланган. Бир кунда мингтагача намуна олиш имконини берадиган ушбу тизимлар ёрдамида толанинг барча хусусиятлари, жумладан, узунлиги, пишиқлиги, таъсир коэффициенти, микронейр, калта тола улуши, ифлослиги, бараварлик индекси, ёрилганда чўзилиши каби хусусиятларини аниқлаш мумкин. Таъкидлаш жоизки, бундай тизимларга дунёнинг ҳамма пахта етиштирадиган мамлакатлари ҳам эга эмас. Ўзбекистонда 2001 йилда “Сифат” марказининг ўзидаги ва барча ҳудудий лабораториялари ушбу тизимлар билан таъминланган.

Ушбу жараён пахта заводлари, пресслаш цехларидан бошланади. Марказимизнинг ҳудудий лабораториялари вакиллари прессдан чиқадиган ҳар бир той пахтани аниқ электрон тарозиларда тортиб, улардан намуна олади. Той ва намунага алоҳида ёрлиқлар ёпиштирилади. Кейин намуналар ҳудудий лабораторияга жўнатилади ва уларнинг параметрлари бу ерда ҳаво ҳарорати ҳамда намлиги шартларига қатъий риоя қилинган ҳолда HVI тизимида ўлчанади. Кейинги босқичда таснифловчи-мутахассис намунани органолептик кўрикдан ўтказади. Барча якуний маълумотлар компьютерга киритилади. Намуналар тола тўпи тўлиқ сотилмагунича сақланади. Ўлчовларни тўлиқ аниқлаш мақсадида намуналарнинг бир қисми синов натижаларини тасдиқлаш учун Тошкентдаги марказий лабораторияга жўнатилади.

Харидорлар пахта тойлари бўйича якуний хусусиятлар билан танишиши мумкин. Улар «Сифат» марказининг маълумотлар базасида сақланади. Марказимиз мамлакатимизда навлар, пахта заводлари ва вилоятлар бўйича экилаётган пахта сифати ҳақида тўлиқ ахборотга эга.

Сертификатлашнинг бундай тизимини қўллаш селекционерлар учун истеъмолчиларга маъқул келадиган навларни яратиш, ўзбек пахтаси сифатини яхшилаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Бугунги кунда Ўзбекистон дунёда пахта етиштириш бўйича олтинчи ва уни экспорт қилиш борасида учинчи ўринни эгаллайди. Бу Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган мамлакатни модернизация қилиш, унинг жаҳон хўжалик муносабатларига интеграциялашувига қаратилган туб ислоҳотлар самарадорлигининг ёрқин далилидир.

**ЎзА мухбири**
**А.ИВАНОВА ёзиб олди**

*Қарор ва ижро*

# АРХИВ — ТАРИХ КЎЗГУСИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА БАРЧА ЖАБҲАЛАРДА ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ХАЛҚИМИЗ, АЙНИҚСА, ЁШ АВЛОД МАЪНАВИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ УСТУВОР ЎРИН ТУТАДИ. БУ БОРАДАГИ ЭЗГУ ИШЛАР МИЛЛИЙ АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ, ТАРИХИМИЗНИ ХОЛИС ВА МУКАММАЛ ЎРГАНИШ, БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИШДА ЯНА БИР КАРРА НАМОЁН БЎЛМОҚДА.**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «Архивлар тўғрисида»ги қонун халқимизни ижтимоий, илмий, маданий ахборотга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида ва сифатли қондиришга хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатга кўра Миллий архив фондини шакллантириш, ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш ва рўйхатдан ўтказиш, бутлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг ягона тартибини белгилаш борасида юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

«Ўзархив» агентлиги архив иши ва иш юритиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, давлат архивларини бошқариш, соҳага оид қонун ҳужжатларининг амалда бажарилиши ва уларга риоя этилиши устидан назоратни ўрнатиш, архив идораларининг намунали фаолият кўрсатишини таъминловчи давлат идорасидир. Агентлик давлат идоралари, ҳокимликлар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш, жойлардаги давлат архивларининг иш шароитини яхшилаш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

«Ўзархив» агентлигидан маълум қилишларича, ҳозир юртимизда тўқсондан ортиқ давлат ва юзлаб идоравий архивлар мавжуд. Айни пайтда республикада архив ишини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, архившунослик ва археография бўйича илмий ва услубий ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, бу борадаги илмий тадқиқот натижалари ҳамда илмий-техник ютуқларни юртимиз архив муассасаларига жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори архив ҳужжатлари сақланишини таъминлаш чоралари, республиканинг умумий фойдаланиладиган архив ахборотлари маълумотлари базасини шакллантиришни назарда тутувчи архив муассасаларининг маълумотлар узатиш ва интеграциялашган ахборот тизимининг корпоратив тармоғини яратиш, соҳа ходимлари малакасини мунтазам ошириб боришни янада мукаммаллаштиришга . йўналтирилган. Қарорга кўра 2011 йилгача архив ишини ва иш юритишни ривожлантириш дастури қабул қилинди. Ушбу дастурда республикамизда архив ишини ва иш юритишни янада ривожлантириш, архив ҳужжатлари сақланишини таъминлаш, улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, тармоқнинг норматив ва методик базасини такомиллаштиришга оид вазифалар белгилаб берилди.

Дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда юртимиздаги давлат архив муассасалари биноларининг ҳолати назоратдан ўтказилди. Келгусида биноларни архив муассасалари балансига берган ҳолда уларни босқичма-босқич қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Архив ҳужжатлари ўз қадр-қиммати, аҳамияти билан муайян шароитда сақланишни талаб этади. Бу эса ўз навбатида архив материалларини асраб-авайлаш, сақлаш, келгуси авлодларга ҳам тўла-тўкис етиб боришининг муҳим шартидир. Шу маънода марказий давлат архивларининг веб-саҳифаларини ўз таркибига олган «Ўзбекистон архивлари» веб-портали яратилди ва Интернет тармоғига жойлаштирилди. Ҳозир ушбу портални янада такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда. Ўта қимматли ҳисобланган архив ҳужжатларининг фойдаланиш фондлари, электрон каталоглари ва рўйхатлари бўйича электрон базани яратиш юзасидан ҳам изчил ишлар амалга оширилаётир.

Марказий давлат архивининг ўқув хонаси локал тармоққа уланиб, компьютерлар ва видео-кузатув қурилмалари билан жиҳозланди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида ўта қимматли ва нодир архив ҳужжатларнинг суғурта нусхаларини яратишнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш ишлари жадал давом этмоқда. Бу тизим ёзувларга ҳеч қандай зиён етказмасдан улардан исталганча нусха олиш, бошқа тизимлар, айниқса, маълумотлар базаларидаги излаш тизимлари билан интеграциясини таъминлаш имконини яратади. Бугунги кунда архив ҳужжатларидан олимлар, талабалар, тадқиқотчилар, ёзувчилар, киночилар, мусаввирлар ва бошқа касб эгалари ўз илмий ва ижодий ишларида фойдаланиб келмоқда.

Архив муассасалари ходимларининг малака ошириши ва уларни қайта тайёрлаш масаласи доимий диққат эътиборда. Шу боис етакчи олим ва мутахассислар иштирокида илмий анжуманлар, ўқув семинарлар ташкил этилаётир. Бир неча йилдирки, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети негизида архившунослар тайёрланмоқда.

Буларнинг барчаси ўтмишни асл ҳолича ўрганиш, бой маънавий меросимизни асраб-авайлаш, уни янада бойитиш, келажак авлодларга безавол етказиш борасида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир.

*Тадбирлар*

# УСТОЗЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

**“ДУНЁДА ҲЕЧ КИМСА ЙЎҚКИ, У УСТОЗЛАР РАҒБАТИГА ЭҲТИЁЖ СЕЗМАСА”, ДЕГАН ЭДИ МАШҲУР ФАЙЛАСУФЛАРДАН БИРИ. ШУ МАЪНОДА КАТТА ИЛМИЙ, ҲАЁТИЙ ТАЖРИБАГА ЭГА МУРАББИЙЛАРНИНГ ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ, УЛАРНИНГ УМР ЙЎЛЛАРИДАГИ НУРЛИ САҲИФАЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ.**

Тошкент Молия институти умумиқтисод факультети талабаларининг кекса ёшдаги профессор-ўқитувчилар билан ўтказган учрашуви юқорида таъкидлаган фикрларимиз тасдиғидир.

Унда факультетда фаолият юритаётган устоз-мураббийлар, талабалар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни умумиқтисод факультети декани, иқтисод фанлари номзоди, доцент Ҳожимурод Аҳмаджонов кириш сўзи билан очар экан, устозларнинг институт, қолаверса, олий таълим тизимини юксалтиришдаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг факультет деканининг маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари И.Машарипов, декан ўринбосарлари А.Азларов, М.Кенжаевларнинг маърузалари тингланди.

Таъкидлаб ўтилганидек, умумиқтисод факультети институт таркибидаги нисбатан кенжа йўналишлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда унда 1400 нафардан ортиқ талабалар таҳсил олади. Уларга 150 нафар салоҳиятли профессор-ўқитувчилар иқтисод фанининг бизнесни бошқариш, инқирозга қарши бошқарув, статистика, суғурта иши, банк иши, бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишлари бўйича сабоқ бериб келишмоқда. Факультет тасаррўфидаги аудит, молиявий менежмент, бизнес ва иқтисодиёт кафедралари тадқиқотчи-олимлари томонидан халқаро миқёсдаги ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Учрашув мобайнида факультетнинг қуйи босқич талабалари устозларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди. Ўзларига керакли бўлган жавобларни олишди. Тадбир сўнгида барча устоз-мураббийларга факультет деканати томонидан таъсис этилган совғалар топширилди. Айниқса, мусиқий дам олиш дастурининг намойиш этилиши йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

# СУВ ЗАҲИРАЛАРИ ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

**САЙЁРАМИЗДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР АТРОФ-МУҲИТ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ЗАРАР ЕТКАЗИШИ БАРОБАРИДА АҲОЛИНИНГ ИЧИМЛИК СУВИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҲАМ ТОБОРА ОШИРМОҚДА. БУ МАВЖУД ЕР ОСТИ ЧУЧУК СУВ МАНБАЛАРИНИ АСРАБ-АВАЙЛАШНИ, ЯНГИ ЗАҲИРАЛАРИНИ ИЗЛАБ ТОПИШНИ ВА ЎЗЛАШТИРИШНИ, ОБИҲАЁТ РЕСУРСЛАРИ ИФЛОСЛАНИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЁТГА ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИШНИ ТАҚОЗО ҚИЛАЁТИР.**

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига қарашли Гидрогеология ва инженерлик геологияси илмий-тадқиқот институтида қурғоқчилик шароитида қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги долзарб вазифаларга бағишлаб ташкил этилган илмий-амалий анжуманда ана шу ҳақда гап борди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси Н.Мавлонов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида табиий ресурсларни тежаш, атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтириш, ривожланишга хизмат қиладиган илм-фан янгиликларидан оқилона фойдаланиш ва халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилаётган эътибор ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Мазкур йўналишда ишлаб чиқилган дастурларда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ижро этилаётгани туфайли истеъмолчиларга ичимлик сув етказиб бериш тизими тобора такомиллашаётир. Бу жараёнда марказлашган сув таъминотидан узоқда яшайдиган қишлоқлар аҳолисининг обиҳаётга бўлган эҳтиёжини қондиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Анжуманда қайд этилишича, мамлакатимиз аҳолиси ичимлик сув таъминотининг саксон фоизи ер ости чучук сув манбалари ҳисобига тўғри келади. Шу боис бундай манбалар ифлосланиши ва ер ости чучук суви камайиб кетишининг олдини олиш доимий эътиборда. Ана шу мақсадда республика аҳамиятига эга ўн бир, вилоятлардаги саккиз ер ости чучук суви ҳосил бўладиган манбаларга алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд мақоми берилди. Бундай ҳудудларда табиатни муҳофазалаш идоралари, геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ходимлари ҳамкорликда мунтазам равишда кузатув ва мониторинг ишларини олиб бораётир.

Гидрогеолог олимларимиз ва мутахассисларимиз томонидан олиб борилаётган кенг кўламли илмий изланишлар натижасида ўтган йили қирқдан кўпроқ аҳоли яшаш жойларида ичимлик суви манбалари топилди. Илмий тадқиқотлар жараёнида кашф этилган юзга яқин минерал сув заҳирасидан эса сув олиниб, аҳолига етказиб берилмоқда.

Анжуманда иқлим ўзгаришининг ер ости сувларига таъсирини ўрганиш, қурғоқчилик шароитида аҳолини обиҳаёт билан таъминлашнинг самарали услубларини яратиш, гидрогеология ва инженерлик геологияси услубларини янада такомиллаштириш, чучук сув манбалари ифлосланишининг олдини олиш, бу жараёнда илғор технологияларнинг имкониятларидан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ

### ҲИКМАТЛАР

**Тошдан ажраб чиқмагунча равнақин
топмас кумуш,
Лаъл ҳам ўз қийматин топмас
макони бўлса кон.**

* * *

**Бедаво касаллик давоси чидам.**

* * *

**Нопок киши ҳикмат сўзин қайтарса,
Яхши маъносини йўқотмас ҳикмат.**

**Покизарўй киши жим ўтирса ҳам,
Гўзал табиати барчага ибрат.**

* * *

**Бир кун бир ёш йигит гўрига етдим,
Гўрдан чиқар эди юз нола, фарёд.**

**"Нечун нолийсан, эй навқирон?" дедим,
Деди: "Кексаликка етолмадим, дод!"**

* * *

**Яхшидан ёмонлиқ келганин билмас замон.**

* * *

**Ҳайфдир ғунча мисоли жонига
солса тугун,
Гул каби бир неча кун боғ ичра
биз ҳам меҳмон.**

* * *

**Илм баҳси ила дарсга берилмоқ
Билан доим ошар инсон камоли.**

## АБУСАИД АБУЛХАЙР

**Олам сири то ҳануз ечилмай келади,
Бу бебаҳо дур ҳамон тешилмай келади.
Ҳар бир киши ақли борича сўз айтар,
Ҳақ моҳияти лекин очилмай келади.**

* * *

**Сен теша каби ўйлама ўзингни фақат,
Ё ишни қилиб, қолма қуруқ ранда сифат.
Сен аррадан ол сабоқ ҳаёт мактабида:
Ярмини ўзингга олу ярмини узат!**

* * *

**Дунё қулининг мол ғамидан кўнглида доғ,
Чоғдир бу жаҳонда танҳо дарвешда думоғ.
Занжир билан зангги бўлса
бўйнида магар,
Кўпроқ кўтаради ул эшак юкни-да, боқ.**

* * *

**Аҳволи ғарибни бетайин билгайми?
Дард лаззатини бедард ҳис қилгайми?
Мард кишининг қимматини мард билади,
Номард назарига мардни ҳеч илгайми?**

* * *

**Эй кўз, қарасанг син солиб, кўргайсан то:
Дунё иши бошдан-оёқ дарду савдо.
Хилват ва қаноат уйини айла макон,
Осуда бўлай десанг, яшагин танҳо.**

* * *

**Бўлсин десанг давлату дунё ҳамкор,
Сендан кишига етмасин асло озор.
Ҳеч қўрқма ўлимдан-у, ема ризқ ғамини,
Ҳар иккиси ўз вақти билан бўлгай ёр.**

* * *

**Дил то бу жаҳон ташвишидан ҳур бўлмас,
Жисминг садафида ҳеч қачон дур бўлмас.
Бош косасини тўлдиради нафсу ҳаво,
Энди унга бошқа нарса манзур бўлмас.**

* * *

**Бахтинг асосини, эй рафиқ, қўлга кирит,
Умрингни совурма беҳуда қадрига ет.**

* * *

**Ҳар кимсаки, қўл тортмаса зулм ваҳшатдан,
Маҳшарда у мосуво эрур шафқатдан.
Эй йўлтўсар, охиратда бу сен тўсган
Йўллар сени ҳам тўсгуси ҳақ жаннатдан.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади.**



*Ўқув муассасаларида*

# МУСИҚАДАН БОШЛАНАР ҲАЁТ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАРНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА КОМИЛ ИНСОНЛАР БЎЛИБ КАМОЛГА ЕТИШИШЛАРИ УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА. АЙНИҚСА ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАР ИСТЕЪДОДИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА 2009-2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛДИ.**

Айни кунларда санъат ва мусиқа мактабларида ушбу Қарорнинг ижроси юзасидан ўзига хос истиқболли режалар амалга оширилмоқда.

Чилонзор туманидаги 3-санъат мактаби шаҳримиздаги нуфузли санъат масканларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда уч юз нафардан ортиқ болаларга санъат ва мусиқа сирларидан сабоқ бериб келинаётган бу масканда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг аксарияти иқтидорли ва истеъдодли болалар ҳисобланади. Мактаб ёшлари 2007-2008 ўқув йили давомида шаҳримиз ва республикамизда бўлиб ўтган турли танловлар ва фестивалларда муваффақиятли қатнашиб совринли ўринларни эгаллаб келганлар.

Айниқса фортепиано, хореография, анъанавий ижрочилик, дуторчилар бўлимлари ўқувчиларининг ютуқлари диққатга сазовордир.

— Мактабимизда болаларнинг мусиқа ва санъат соҳасидаги билимларини бойитишлари учун барча имкониятлар ишга солинмоқда, — дейди санъат даргоҳи директори Ҳамидулла Сагдуллаев биз билан суҳбатда. — Президентимизнинг эътибор ва ғамхўрликлари боис юртимизда бу борада жуда кўп самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ёшлар камолоти, уларнинг етарлича билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўқитувчилар жамоаси ҳар бир бола билан алоҳида дарс машғулотлари олиб боради. Уларнинг иқтидори ва истеъдодини, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда қўшимча дарслар белгиланади. Навбатдаги ўқув йилида ҳам кўплаб истиқболли режалар амалга оширилди. Биринчи синф ўқувчиси Фозил Фарҳодовнинг Муҳиддин Қори-Ёқубов номли кўрик-танлов шаҳар босқичининг совриндори бўлиши эса санъат мактабимизнинг нуфузини янада оширди. Ўқувчиларимизнинг туман, шаҳар ва республика миқёсида ўтказиладиган танловларда юқори ўринларни эгаллашлари учун бор билим ва малакамизни ишга солган ҳолда улар билан шуғулланамиз. Истаймизки ана шу ёшлар келажакда мамлакатимизнинг санъат соҳасидаги ютуқларида ўзига хос ҳисса қўшсинлар. Улар ижро этган куй-қўшиқлар, рақслар келажакда ўз мевасини берсин. Ишонамизки, иқтидорли ўқувчиларимиз наинки мактабимизнинг, балки юртимизнинг фахри бўлиб дунёга танилайдилар. Биз устозлар эса бу йўлда уларга доимо ҳамкор ва ҳамқадаммиз.

Дарҳақиқат, шаҳримиздаги 3-болалар мусиқа мактабининг нуфузи кундан-кунга ошиб бормоқда. Ўқитувчилардан Е.Маркелова, Т. Терёхина, Г.Бобохонова, Н.Аракелова, Д.Борибоева, Ҳ.Сагдуллаев каби ўз касбининг усталари ёшларнинг ўқиб илм олишлари изланиб, интилишлари ва ўз йўналишларида муқим боришлари учун бор билим ва малакаларини ишга солмоқдалар.

Яқинда мазкур мактабда «Устоз ва мураббийлар куни» га бағишлаб ўтказилган тадбир ҳам ўқувчилар учун мисоли бир имтиҳон бўлди. Биринчи синф ўқувчиси Фозил Фарҳодов ижросидаги «Ўзбекистон», иккинчи синф ўқувчиси Камила Одилхpraнованинг «Алла», учинчи синф ўқувчиси Анвар Соатмуродовнинг «Олға», бешинчи синф ўқувчиси Георгий Деборин ижро этган «Вальс» каби куй ва қўшиқлар йиғилганлар қалбига ажиб бир хушнудлик бахш этди.

Ўқувчиларнинг ўқитувчилари ёрдамида фортепиано, доира сингари чолғулардаги чиқишлари ҳам байрам тадбирининг янада жозибали ва мазмунли бўлишини таъминлаб берди.

Шунингдек, санъат мактабида «Маънавият бешиги», «Саломатлик — кони бойлик», «Гиёвандлик умр заволи» мавзуларида ўтказилган тадбирлар ўқувчиларнинг онг ва тафаккурларининг шаклланишида, ўз саломатликларига бўлган эътиборни янада кучайтиришларида муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳа, 3-Болалар санъат мактабида ёшларнинг илм олишлари, ўз иқтидорларини янада шакллантиришлари учун барча имкониятлар эшиги очиб қўйилган. Энг малакали мутахассис ўқитувчилар уларга сабоқ бермоқда. Умид қиламизки мазкур маърифат масканида таълим ва тарбия олаётган ўқувчилар келажакда Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб камолга етадилар. Улар ижросидаги куй-қўшиқлар дунё саҳналарида баралла янграйди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: 3-санъат мактаби ҳаётидан лавҳа**

*Каратэ*

# МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

**РУМИНИЯ ПОЙТАХТИ БУХАРЕСТ ШАҲРИДА ШОТОКАН КАРАТЭ-ДО БЎЙИЧА ЕВРОПА ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИДА ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ ХЎЖАМҚУЛ ХЎЖАҚУЛОВ БОШ МУРАББИЙЛИГИДАГИ МАМЛАКАТИМИЗ ТЕРМА ЖАМОАСИ ВАКИЛЛАРИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛИШДИ.**

Дунёнинг 40 та мамлакати спортчилари иштирок этган ушбу нуфузли турнирда ҳамюртларимиздан Дониёр Усмонов, Феруз Холёров, Сардор Ширинбоевларга олтин медаллар насиб этди. Шунингдек, терма жамоамиз аъзолари 4 та кумуш ва 6 та бронза медалларига ҳам сазовор бўлишди.

*Футбол*

# «БУНЁДКОР» — ОСИЁДА БИРИНЧИ

**ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ТАРИХИ ВА СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ ДУНЁДАГИ ФУТБОЛ КЛУБЛАРИНИНГ ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.**

Унга кўра ҳозирги кунда миллий чемпионат ўйинларини ҳамда халқаро учрашувларни сермазмун ўтказаётган «Бунёдкор» жамоаси 75-ўринни эгаллади. Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, «Бунёдкор» рейтинг жадвалига кўра Осиёда биринчи поғонани банд этган.

**(Ўз мухбиримиз)**

# «02» ХАБАРЛАРИ

## ЎҒРИЛИК

● Чилонзор туманида тахминан тунги соат 03.30 да, шу туманда жойлашган «Ёғочни қайта ишлаш цехи»дан 2 та ҳар бири 900 АҚШ долларилик «Штил-361» русумли арралар ўғирлаб кетилган. Жами цехга 1.800 АҚШ долларини ташкил этувчи моддий зарар етказилган. Ушбу цех раҳбарининг Чилонзор туман ИИБга берган хабаридан сўнг, жиноят-қидирув тезкор ходимлари томонидан олиб борилган қидирув ишлари натижасида мазкур жиноятни содир қилган Тошкент вилоятида яшовчи, 1985 йилда туғилган, шу цехда ишловчи Дилшод исмли шахс ушланиб ҳибсга олинди.

● Тошкент вилоятида яшовчи 1983 йилда туғилган Анвар исмли шахс Учтепа туманида жойлашган хусусий корхона ҳовлисидан, шу корхона қўриқчиси, 1954 йилда туғилган Олег исмли шахсга тегишли 200 метр узунликдаги «120м2» русумли жами 7.600.000 сўмлик электр кабелларини ўғирлаб кетган.

● Миробод туманида яшовчилар, ҳеч қаерда ишламайдиган 1972 йилда туғилган Нафиса ва 1975 йилда туғилган Шаҳло ўзаро жиноий тил бириктириб, таниши, шу туманда яшовчи 1966 йилда туғилган Сайёра исмли аёлнинг уйида меҳмонда бўлиб, ёлғондан ўзаро бир-бирлари билан жанжал уюштириб, бу билан уй эгасини чалғитиб, унга тегишли бўлган 1.600.000 сўмлик турли сариқ металлдан ясалган тақинчоқларини ўғирлаб кетишган.

● Сергели туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 1973 йилда туғилган Олег исмли шахс, М.Улуғбек туманида жойлашган масъулияти чекланган жамияти биносидан, шу жамият раҳбари, 1981 йилда туғилган Дилшодга тегишли бўлган 400.000 сўмлик сантехника жиҳозларини ўғирлаб кетган.

● Наманган вилоятида яшовчи 1969 йилда туғилган, муқаддам ўғрилиги учун судланган Баҳром Юнусобод туманидаги дўконлардан бирига ўғриликка тушиб, у ердан шу туманда яшовчи 1973 йилда туғилган Андрейга тегишли 1 дона пиво қуйиш учун мўлжалланган мослама ва қошиқ, вилкалар тўпламини ўғирлаб кетган. Жами жабрланувчига 850.000 сўмлик моддий зарар етказган.

Юқоридаги барча ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси билан «ўғрилик» бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

**Юлдуз АШИРОВА,**
**майор, Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази катта инспектори**

*Сўраган эканСИЗ*

# ГАЗАК ОЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ

**Ҳурматли таҳририят, мен бавосил дардига чалинганлигим туфайли дамба-дам покланишга тўғри келади. Шунга эмлик қиладиган беозор даволар бўлса, ундан бохабар бўлсак яхши бўлар эди.**

**Олим Ёқубов,**
**Ҳамза тумани**

Одамнинг силласини қуритадиган, дармонсизлантирадиган нохуш хасталиклардан бири бавосил (геморрой) ҳисобланади. Бунда тўғри ичак йўли вена томирларининг тугунлашиб кенгайиши натижасида қон димланиб, ҳалқобланиб, ичак деворлари нафислашиб, қон кетади.

Бавосил касаллигига гирифтор қилувчи омилларга узоқ ўтириб меҳнат қилиш (ҳисобчилар, нозимхона хизматчилари, дўппидўз. чеварлар ва бошқа), қабзият асоратида бўлиш, дарбоза вена тизимидаги қон босими, тўғри ичакнинг яллиғланиши, кичик чаноқли ўсимталар ҳосил бўлиб қон томирларини қисиши, ҳомиладорлик ва бошқалар сабабчи бўлиши мумкин.

Маълумотларга қараганда, аксарият ўрта ва катта ёшдаги эркакларда бавосилга мойиллик кузатилади. Ички бавосил тугунлар тушганда ёҳуд қисилганида бемор қаттиқ оғриқ исканжасида бўлади.

Одатда бавосилнинг енгил кўринишларида бемор безовта бўлмайди. Касаллик авжига чиққанида, тери қичишади, ачишади, қизийди, азоб беради. Бавосилга йўлиққанлар қон кетиши туфайли дармонсизланадилар. Камқонликка учрайдилар, жиззакиликка мойиллик ортади, бош айланиб, кўз тинадиган бўлиб қолиши ҳам мумкин. Шу боисдан ҳам бавосилни ўз вақтида шифокорлар томонидан даволатиш муҳим ҳисобланади. Хавфлиси шундаки, бавосилга ўз вақтида даво қилинмаса, у хавфли ўсмаларга айланиб кетиши ҳам мумкин.

Авваламбор дардни орттиргандан кўра, унинг олдини олган маъқул. Бавосилга йўлиқмаслик учун ошқозон-ичак йўли фаолиятини маромида тутиш, орасталик, тўлақонли ҳаракатда бўлиб туриш керак. Бавосилга учрамаслик бобида кўҳна замонлардан таҳсинга лойиқ бўлган одат, у ҳам бўлса қабзиятга йўл қўймасликдир. Бунинг учун дастурхонимиз бисотидан ажралмайдиган туршаклардан ивитиш тайёрлаб истеъмол қилиш бавосилдан муҳофазаланишнинг энг оддий амалларидан ҳисобланади.

Ични маромда тутадиган, бавосилга раддиялик қиладиган табиий омиллардан «Маккаи сано барглари» («Листья сенны») ҳамда уруғлари асосида тайёрланадиган дамламалардан ичиб туриш ишончли, синалган омиллардан ҳисобланади. Бу борада «Сувқалампир ўти» («Трава водяного перца», бу доривор гиёҳлар дорихоналар бисотида мавжуд). «Газанда ўти» (Листъ крапивы) каби гиёҳлар асосида тайёрланадиган дамламалар бавосил азиятларидан фориғ бўлишга омилкорлик қилади. Бунинг учун мазкур гиёҳлардан 20 грамм (4 ош қошиқ) миқдорида олиб, сирланган идишга солинади-да, устига 200 грамм қайноқ сув қуйилади, идишнинг қопқоғини ёпиб, қайнаб турган сувда чорак соат тутиб турилади. Сўнгра хона ҳароратида совутилиб, сузиб олинади. Ҳосил бўлган дамламага қайнатилган сувдан қўшиб, ҳажми 200 граммга етказилади. Мазкур дамламадан ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичиб турилади.

Бавосилга йўлиққан киши ўлтириб қабул қиладиган шифоли жом тайёрлаши мумкин. Бунинг учун «Мойчечак гуллари» («Цветки ромашки») дан 30 грамм, «Мармарак барглари» («Листья шалфея»)дан 20 грамм, «Эман пўстлоғи» («Кора дуба»)-дан 50 грамм, мабодо бўлса «Сохта каштан уруғлари»дан 30 грамм миқдорида олиб аралашма ҳолида дамлама тайёрлаб жом сифатида ёҳуд бозиллатма (компресс) ҳолида фойдаланилади.

Табиат неъматларидан бўлмиш мевалар ва резаворлардан истеъмол этилиши қабзиятдан холи қилувчи, маълум даражада наф берувчи восита ҳисобланади. Табиий неъматлар латифлаштирувчи, қотирувчи, қон тўхтатувчи хусусиятга эга. Ички латифлаштирувчи хусусиятга қовоқ, карам (салат), турпларни китритиш мумкин. Бавосилда қовун, сабзи, парманчак (малина), булдурғун (ежевика), узум кабилар пором келувчи неъматлар ҳисобланади.

Қабзият ва қулунж (колит)да оғриқ қолдирувчи ҳамда ични латифлаштирувчи сифатида шивит (укроп) уруғлари дамламаси, карафс (селдир) илдизи шарбати ёҳуд дамламаси, шунингдек, қоражанд шарбати ижобий натижа беради.

Яллиғланишга қарши ва буриштирувчи омил сифатида беҳи қайнатмаси, нок қоқисидан тайёрланган қайнатмалар ҳам фойдали ҳисобланади.

Йўғон ичакдан чиқиб турган бавосил тугун, шодасига зулук қўйиладиган бўлса, тугунлар «қовжирайди», бемор нохуш оғриқдан холи бўлади. Шунинг учун зулук қўйишдан олдин ўша жой яхшилаб уч бор совунлаб ювилади (бунда ироқи, атир совундан фойдаланилмайди, чунки зулук мушк ёки анбар ҳидини ёқтирмайди). Покланишдан сўнг бавосил тугунчасига 3 тадан 10 тага қадар тиббий зулук қўйилади. «Ҳаром» қонга тўйган зулуклар осонликча ажраб тушади.

Ҳозирда дорихоналар бисотида бавосилга даво бўлувчи бир қатор фармацевтика саноати томонидан тайёрланган дори турлари мавжуд. Улар ҳар хил кўринишга эга бўлиши мумкин. Жумладан «Ультрапрокт» дориси шамчалар ҳамда суртма ҳолида, «Анестезол», «Ихтиолли шамчалар» («Свечи ихтиоловиые»), «Чакандали шамчалар» («Свечи облепиховые»), «Нео-Анузол» каби бавосилга даво бўлувчи воситаларни харид этиш мумкин.

Агар бавосил касаллигининг аломатлари юзага келадиган бўлса, албатта мутахассис шифокор-проктологга мурожаат қилинмоғи лозим. Акс ҳолда дард янада оғир асоратли хасталикларга дучор қилиши мумкин.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос олим**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР — ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР — ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

1. 2008 йил 18 ноябр куни соат 11:00да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 29.02.2008 йилдаги ЖСК-1-75/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, "Мерседес-Бенц 260" русумли, д/рсиз бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 8 775 000 сўм.

2. Шунингдек 2008 йил 4 ноябр куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран, Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Сергели туман судининг 20.08.2008 йилдаги №1-748/02-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, А.Темур кўчасидаги Дэу Автосервис 2-боксида сақланаётган, "Опель-Омега-А" русумли, д/р 10О0525 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Жорий бошланғич баҳоси – 15 016.000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузилган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, ҳ/р:20210000500571452105.

Қуйидаги автотранспорт воситасининг аукцион савдоси тўхтатилганлигини маълум қилади: Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим қилинган, "Тошкент оқшоми" газетасининг 10.09.2008 йилдаги 178-сонли ва "Частный сектор" газетасининг 11.09.2008 йилдаги 37-сонда чоп этилган хабарномалар билан аукцион савдосига чиқарилган, "Нексия" русумли, д/р 10ВС630 бўлган, 2006 йилда и/ч автортранспорт воситасининг савдоси тўхтатилди. Асос: Ҳамза туман суд ижрочилари бўлимининг 07.10.2008 йилдаги 13733/14-сонли хати. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**
**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

«Toshkent metropoliteni» ДУК умумий майдони 9066 м², «Toshkent metropoliteni» 1050 м²га тенг 2 та ангарли омборхона ва офис биноларини ижарага беради.

**Манзил: Тошкент ш, Ҳамза тумани, Сувбўйи — Кўприкли кўчалари.**
**Маълумот учун тел: 239-89-27**

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 906

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3298 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 13.30